# КУЧ — АДОЛАТДА

2014 йил
26 июль,
шанба
№ 30 (491)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

*Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш тизимли ва босқичма-босқич асосда, изчиллик ва қатъият билан амалга оширилмоқда. Бугунги кунда бу борада қўлга киритилган залворли ютуқларимизни бутун дунё тан олаётгани ва Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори кун сайин ортиб бораётгани ҳар биримизга ғуруру ифтихор бағишлайди.*






# ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Истиқлол йилларида эришган юксак ютуқ ва марраларимизнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритиш, айниқса, Мустақиллигимизнинг 23 йиллик қутлуғ тўйига қизғин тадорик кўрилаётган шу кунларда янада муҳим аҳамиятга эгадир.

Бинобарин, Ўзбекистон ўтган аср охирида кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ иттифоқда энг охирги ўринлардан бирини эгаллаган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган, иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, қолоқ аграр республикадан бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланганини бутун дунё тан олмоқда.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини эълон қилиб, тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб, айни пайтда шарафли йўлимизга назар ташлар эканмиз, Ватанимиз озодлиги нақадар машаққатли ва тинимсиз курашлар, халқимизнинг қандай оғир ва фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилгани, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимиз беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, дунё тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш асосида мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш дастури ишлаб чиқилди. Унда миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, умумбашарий қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш орқали Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми иккинчи бетда)

**Рамазон ойи халқимиз маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Бу ойнинг моҳиятида яхшилик, сабр-қаноат, меҳр-оқибат каби фазилатлар, эзгу миллий қадриятларимиз ўз ифодасини топган.**

**Президентимиз Ислом Каримовнинг қарорларига мувофиқ ҳар йили Рамазон ҳайити мамлакатимизда кенг нишонланмоқда. Бу, авваламбор, мустақиллигимиз шарофатидир. Истиқлол туфайли маънавиятимиз, дину диёнатимиз тикланди. Мамлакатимизда виждон эркинлиги, эътиқод эркинлиги таъминланмоқда.**

# Меҳр-оқибат ва шукроналик айёми

Ҳозирги ёшлар учун бу оддий ҳол бўлиб туюлар. Чунки улар туғилган, эсини таниган пайтда ҳаёт, тартиб шундай эди. Лекин фикр ҳурлиги, виждон эркинлиги қандай улкан бахт эканини биз каби катта авлод вакиллари жуда яхши англаймиз. Ахир, бир пайтлар шу оддий имкониятлардан ҳам маҳрум эдик. Миллий-диний байрамларни нишонлаш у ёқда турсин, ўз эътиқодимизни ошкор айтолмасдик. Одамлар ҳатто жаноза маросимларига бориш, яқин кишисини йўқотган танишларидан кўнгил сўрашга ҳам ҳайиқиб қолган эди. Негаки, бундайлар ўқишдан, ишдан ҳайдалар, уруғ-аймоғи ёмонотлиққа чиқарди.

Собиқ тузум даврида институтларда атеизм деган дарс бўларди. Яъни, динсизлик, худосизлик фан сифатида ўқитиларди. Уни ёшлар онгига чуқурроқ сингдириш мақсадида ҳар семестрда ушбу фандан имтиҳон бўларди. Энг қизиғи, талабалар бу имтиҳонга ичичидан Худога илтижо қилиб, ундан мадад сўраб кирарди. Лекин ўз эътиқодини яширишга, динни инкор этишга мажбур эди.

Минг шукрки, бугун бундай қўрқув ва чекловлар йўқ. Аксинча, миллий-диний қадриятлар, илм-маърифат ривожлантирилмоқда. Бу хайрли ишлар ўтган асрнинг 80-йиллари охирида, Ислом Каримов республикамиз раҳбари этиб сайланган пайтдан бошланган эди. У кишининг жасорати ва қатъияти билан мустабид тузум давридаёқ миллий ўзликни англаш, халқимиз маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Наврўз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари қайта тикланди.

(Давоми тўртинчи бетда)

*Xabar*

# Ўзбекистон Республикаси Олий судида

**Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2014 йилнинг биринчи ярмида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти натижалари ҳамда истиқболдаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари иштирок этди.**



Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, қонунчиликнинг таъминланишига хизмат қилаётгани таъкидланди.

Одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида судлар самарали фаолият юритмоқда.

Ҳисобот даврида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 106 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилган. Шунингдек, 470 мингдан ортиқ суд буйруғи чиқарилган. Суд буйруғи чиқарилган аризалар бўйича 426 миллиард сўмдан зиёд маблағ ундириш белгиланган. Фуқаролик ишларининг 86 фоизи бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган, шундан 89 фоизи бўйича даъво қаноатлантирилган.

(Давоми иккинчи бетда)

*Qonun ijodkorligi*

# Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш

## бу борадаги қонуний асослар янада такомиллаштирилмоқда

**Маълумки, тадбиркорлик фаолияти миллий иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Айтиш мумкинки, тадбиркорлик фаолияти — мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган жиддий сифат ўзгаришларида ўзининг ҳал қилувчи аҳамиятига эга бўлиб бормоқда. Буни иқтисодиётимиз таркибидаги ижобий ўзгаришларда, ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 55,8 фоизи айни шу соҳада ишлаб чиқарилаётгани, иқтисодиёт тармоқларида иш билан band бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ваҳоланки, XX асрнинг 90-йилларида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши атиги 1,5 фоиз бўлган. 2000 йилда эса, бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Бу борадаги юксак натижалар, аввало, тараққиётнинг "ўзбек модели" шарофатидандир.

Бунда, албатта, юртимизда бизнес юритиш учун қулай амалий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилгани, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг энг муҳим йўналишига айлантирилгани, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги ҳақидаги принцип жорий этилгани каби бир қатор омиллар алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Шу ўринда юртимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ тадбиркорлик фаолияти субъектларини суд орқали ҳимоя қилишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини таъкидлаш жоиз.

(Давоми учинчи бетда)

**Мамлакатимизда фуқароларнинг барча ҳуқуқлари қаторида мурожаат этиш ҳуқуқи ҳам амалда самарали таъминланаётгани жамиятда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат барқарорлигига хизмат қилмоқда. Айниқса, бу борада адлия идоралари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

*Qonun ko`magi*

# Ҳар бир мурожаат эътиборда

Жумладан, Жиззах вилояти адлия бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан 2014 йил биринчи ярмида фуқароларнинг 80 та мурожаати кўриб чиқилиб, уларнинг 34 таси қаноатлантирилди.

Аниқроқ айтганда, ушбу мурожаатлар юзасидан тегишли идораларга 11 та тақдимнома, 9 та огоҳнома, судларга 62 нафар фуқароларнинг манфаатини кўзлаб, 81.210.537 сўмлик даъво аризалари киритилди.

(Давоми иккинчи бетда)

*2014-yil — Sog`lom bola yili*

# Бола ҳуқуқлари давлат ҳимоясида

**Ўзбекистон Республикаси Олий судида 25 июль куни бола ҳуқуқларини таъминлашга оид миллий қонунчиликка халқаро стандартларни жорий этиш борасида Ўзбекистон тажрибасига бағишланган халқаро амалий семинар бўлиб ўтди.**



Олий суд ва БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Олий суд ҳамда вилоят судларининг судьялари, вазирлик ва идоралар ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Қўчқор Тоғаев, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Роберт Фудерич ва бошқалар Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизими изчил ислоҳ этилаётганини, болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

(Давоми иккинчи бетда)

*Xabar*

# Ўзбекистон Республикаси Олий судида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ярашув институтини самарали қўллаш натижасида 5,2 минг нафардан зиёд, бу институт амалиётга жорий қилинганидан буён эса 155 мингдан зиёд шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани туфайли 92 миллиард сўмдан



ортиқ моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган 1,3 мингдан зиёд шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган. Бу борадаги қонун ҳаётга татбиқ қилинганидан буён эса 504 миллиард сўмликдан зиёд моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 27 мингдан ортиқ шахс бу имкониятдан баҳраманд бўлган.

Суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судьяларнинг билим ва малакасини ошириш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар соҳадаги ишлар самарадорлигини янада ошираётир. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий му-



ҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2012 йил 30 ноябрдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, мазкур ҳужжатлар асосида судьялар ва суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда судларнинг моддий-техник базасини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 4 октябрда қабул қилинган "Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан аҳолига қулайлик яратиш мақсадида қўшимча равишда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (туман) судлари тузилмоқда. Хусусан, ўтган даврда Фориш, Бойсун туманлари судлари ва Пайариқ, Касби, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманлараро судлари иш бошлади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида Судлар ташкилий фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилди. Бу тузилма судьялар мустақиллиги ҳамда уларнинг фақат қонунга бўйсуниши тамойилига қатъий риоя этган ҳолда, судларнинг ижро интизоми билан боғлиқ ишларини тизимли назорат қилмоқда.

Суд тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётир. "Фуқаролик судловни такомиллаштириш: самарали суд бошқаруви" лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган "E-SUD" миллий электрон судлов ахборот тизими фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида муваффақиятли синовдан ўтказилмоқда. Ушбу тизим орқали шу йилнинг биринчи ярмида 14 мингга яқин суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза электрон шаклда келиб тушди ва судда кўриб чиқилди.

Шунингдек, Олий суд томонидан умумий юрисдикция судларини қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалиётга самарали жорий этилмоқда.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда судлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва суднинг обрўсига путур етказадиган қонунбузилиш ҳолатлари атрофлича муҳокама этилиб, принципиал муносабат билдирилди. Судья ва суд ходимларининг масъулиятини, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
*ЎзА мухбири*

*Iftixor*

# Иқтисодиётимизнинг мустаҳкам юқори ўсиш суръатлари таъминланмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўтган даврда иқтисодиётимизда туб демократик ва бозор ислоҳотларининг амалга оширилгани, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерликни ривожлантириш учун қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилингани муҳим принципиал аҳамиятга эга бўлди.

Фикримизнинг тасдиғи сифатида Ўзбекистон Республикасини 2014 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига доир айрим далил ва рақамларни келтирамиз. Хусусан, жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришда таваккалчилик ва зиддиятлар кучайиб бораётганига қарамасдан, мамлакатимизда иқтисодий ўсиш бўйича қабул қилинган стратегияни изчил ва мақсадли амалга ошириш, шу мақсадда мавжуд захира ва имкониятларни жалб этиш натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулотни 8,1 фоиз оширишга эришилди.

Ялпи ички маҳсулот таркибида улуши тобора ортиб бораётган иқтисодиётимизнинг фаол соҳаларидан бири, яъни саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини янада оширишга қаратилган амалий чора-тадбирлар ўз самараларини намоён этмоқда. Бу ҳақда сўз борар экан, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурлари, шунингдек, саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши саноат тармоқларини таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш жараёнларини янада чуқурлаштиришга ёрдам берганини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Бу, ўз навбатида, саноат ишлаб чиқариш умумий таркибида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари саноати, енгил саноат, шу жумладан, пахтани қайта ишлаш, трикотаж, тикувчилик, тиббиёт, қора металлургия, озиқ-овқат саноати каби жадал ривожланаётган тармоқлар улушини 2013 йилнинг биринчи ярмидаги 53,8 фоиздан 58,9 фоизга етказиш имконини яратди.

Жумладан, биргина пахтани қайта ишлаш ҳажмини оладиган бўлсак, ўтган олти ой





якунларига кўра, бу кўрсаткич 122,1 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, истиқлолгача бўлган даврда Ўзбекистонимизда етиштирилган пахтанинг атиги 8-10 фоизигина ўзимизда қайта ишланган, қолган қисми олиб кетилган ва асосий фойда тайёр хомашёни қайта ишлаган бегона ҳудудларга келиб тушгани кечаги ҳаётимизнинг очиқ ва аччиқ ҳақиқатидир.

Илгари иқтисодий жиҳатдан республикамиз бир ёқлама ривожланган бўлса, эндиликда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини янада кенгайтиришга эришилмоқда. Бунинг эвазига ўтган ярим йилнинг ўзида 200 турдан зиёд янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.



Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тараққиёти, хусусий мулкнинг жадал ривожи учун ғоят қулай ва устувор шароитлар яратиб берилмоқда.

Шу маънода, жорий йилнинг биринчи ярмида юртимизда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яратиш, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш учун ортиқча бюрократик ва маъмурий тартиб-таомилларга чек қўйишга доир ишлар давом эттирилганига эътибор қаратиш ўринлидир.

Президентимизнинг шу йил апрелда қабул қилинган ҳужжатларига мувофиқ, 22 та рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилингани, 21 та рухсат бериш тартиб-таомилини расмийлаштириш муддати 2,1 марта, шунингдек, 11 турдаги фаолиятни ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштиришда йиғимлар ҳажми 4 марта қисқартирилгани, ҳужжатлар тақдим этиш ёки ваколатли органлар билан келишиш бўйича ортиқча талаблар бекор қилингани ҳисобидан 31 та рухсат бериш тартиб-таомили бўйича расмийлаштириш жараёнлари соддалаштирилгани шулар жумласига киради.

Жорий йил бошидан буён мамлакатимизда жами 5,8 миллион квадрат метр, жумладан, қишлоқ жойларда 4,4 миллион квадрат метр уй-жой бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Бу 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 113,9 фоиз кўпдир. Ўтган даврда 1,7 минг километр сув таъминоти тармоғи ва 289 километр газ тармоқлари барпо этилди.

Йил бошидан буён 93 та умумтаълим мактаби капитал таъмирланди, қишлоқ жойлардаги 6,6 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактаблар реконструкция қилинди, 17 та янги болалар спорти объекти бунёд этилди. Шунингдек, 506,4 минг янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларидан 303,2 мингтаси, яъни 59,9 фоизи қишлоқ жойларда эканлиги эътиборга лойиқ.

Турли соҳалар бўйича бундай ижобий факт ва рақамларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, дунё миқёсида глобал иқтисодиёт муаммолари чуқурлашиб бораётганига қарамасдан, жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётнинг мустаҳкам юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича қабул қилинган стратегияни ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини янада оширишга муваффақ бўлди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона сиёсат, тадрижий асосда ҳаётга татбиқ этилаётган миллий тараққиётнинг "ўзбек модели"нинг ёрқин натижалари Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби умуммиллий ғояларни барча юртдошларимиз билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Неча минг йиллик тарихимиз давомида тинчлик-осойишталик ва барқарорлик, яратувчанлик ва бунёдкорлик, ташаббускорлик ва тараққийпарварлик, олижаноблик ва инсонпарварлик халқимизнинг энг юксак фазилатларидан бўлиб келган. Истиқлол бизга ана шу миллий ҳамда умуминсоний эзгу анъаналарни изчил давом эттириш ва авлоддан авлодга янада мукаммал бўлиб ўтишини таъминлаш имконини бергани билан янада улуғ, янада азиз ва қадрлидир.

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
**Бобомурод РАЙИМОВ**

*2014-yil — Sog'lom bola yili*

# Бола ҳуқуқлари давлат ҳимоясида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болаларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, замонавий билим олиши, ўз қобилият ва иқтидорини намоён этиши учун барча шароит яратилмоқда. "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар болалар ҳуқуқлари ҳимоясини янада яхшилаш, уларни ҳар томонлама баркамол инсон этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Бу соҳага оид бешта халқаро конвенция ратификация қилинган, ўндан ортиқ қонун қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани кафолатланган. Мамлакатимизда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси талаблари, Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунида назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Бу соҳадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка жорий қилиш ва қонунчиликни такомиллаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонунига мувофиқ васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахслар, шу жумладан, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактика қилинмоқда, судларда ва бошқа муассасаларда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояланаётир.

Мамлакатимиз Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги (Женева, 1973 йил 26 июнь) ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини таъқиқлаш ва уларга барҳам беришга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияларга (Женева, 1999 йил 17июнь) ҳам қўшилган ва бу борадаги ўз мажбуриятларини изчил бажариб келмоқда.

Тадбирда "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида бу ишлар янада юқори даражага кўтарилгани таъкидланди. Иштирокчилар Ўзбекистонда болалар ҳуқуқларига оид қонунчилик доимий такомиллаштириб борилаётганини, қонун ижроси назорати йўлга қўйилганини қайд этдилар.

— Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари тизимида фаолият юритувчи қатор вазирлик ва идоралар, ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишман, — деди бола ҳуқуқлари бўйича эксперт Ренате Винтер (Австрия). — Мамлакатингизда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси ҳаётга тўла татбиқ этилаётгани, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база мавжудлиги эътиборга молик. Бу йўналишда Ўзбекистон қонунчилигининг доимий такомиллаштириб борилаётганини, соҳада халқаро ҳамкорликка катта эътибор қаратилаётганини алоҳида қайд этишни истардим. Мазкур семинар ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан фикр ва тажриба алмашиш имконини берганидан жуда хурсандман.

Семинарда бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда миллий қонунчилигимизнинг ўрни, бу борадаги қонунчилик тизимига жорий этилаётган халқаро стандартлар хусусида сўз юритилди. Соҳада қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани, суд механизмларини янада такомиллаштириш, бу борада халқаро тажрибани ўрганишга оид масалалар муҳокама қилинди, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
*ЎзА мухбири*

*Qonun ko'magi*

# Ҳар бир мурожаат эътиборда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, Жиззах шаҳрида яшовчи С.Исроилованинг "Жиззах-ЦУМ" МЧЖнинг устав фондидаги улушини ҳозирги кундаги баҳосида ундиришда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб, адлия бошқармасига ёзган аризаси ўрганиб чиқилди ва даъвогар манфаатини кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Вилоят хўжалик судининг жорий йил 24 июндаги ҳал қилув қарорига асосан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди. Яъни жавобгар "Жиззах-ЦУМ" МЧЖдан жамият таъсисчиси С.Исроилова фойдасига 53.424.670 сўм қийматидаги улуш ундириб берилиши таъминланди.

Шунингдек, Хоразм вилоятида яшовчи фуқаро У.Жуманиёзов ҳам адлия бошқармасига мурожаат қилиб, Ғаллаорол туманидаги "Жиззах-автосавдо" МЧЖ билан "Дамас" русумли автомашинаси сотиб олиш учун 2012 йил 14 февралда шартнома тузганини, шунга кўра, барча тўловларни амалга оширган бўлса-да, ҳамон автомашинани беришмаганини билдирган.

Айтиш керакки, У.Жуманиёзовнинг аризаси асосида фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг жорий йилнинг 20 майдаги ҳал қилув қарорига асосан, вилоят адлия бошқармасининг даъво аризаси қаноатлантирилди, жавобгар "Жиззах-автосавдо" МЧЖдан фуқаро У.Жуманиёзов фойдасига 8.282.000 сўм ундирилиб берилиши таъминланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳар бир мурожаатни белгиланган муддатдларда кўриб чиқиш ва қонуний ҳал этиш қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имконини беради.

**Аъзам БАЙБЕКОВ,**
*Жиззах вилоят адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси*

*Qonun ijodkorligi*

# Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш

## бу борадаги қонуний асослар янада такомиллаштирилмоқда

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Айтиш керакки, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлар томонидан "Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишда қабул қилиниши ҳам бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этганидек, фақат ўтган йилнинг ўзида рухсат беришга оид 80 дан ортиқ тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, 65 турдаги статистик ҳисоботлар, 23 турдаги ҳисоботни тақдим этиш муддатлари қисқартирилган. Шунингдек, зарур рухсатномалар бериш муддати 2 марта ва мазкур жараён учун харажатлар қиймати 5 марта қисқартирилиб, рухсатнома олиш жараёнида тўланадиган харажатлар 8 баробар камайтирилган.

Шунингдек, ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади. Ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони 2013 йилнинг охирига келиб 190 мингтага етди.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси белгилаб берилган. Шу муносабат билан тайёрланган "Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига мазкур соҳадаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солувчи хорижий илғор тажрибалар сингдирилди.

Ушбу қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларига янада кўпроқ эркинлик бериш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Қонун лойиҳасидаги энг муҳим янгилик — бу ҳали ривожланган давлатлар амалиётида учрамайдиган янги меъёр, яъни "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонунга киритилаётган ўзгартиришдир. Бу ўзгартириш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ва янада либераллаштиришга қаратилган.

Маълумки, амалдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 19-моддасида назарда тутилган назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга шикоят қилиш ҳуқуқи назарда тутилган. Бунда шикоят бериш назорат қилувчи орган мансабдор шахсининг ҳаракатларини тўхтатиб қўймайди.

Қонунга киритилаётган ўзгартириш эса, хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва уларга қўшимча кафолатлар яратиш мақсадида, хўжалик юритувчи субъект томонидан судга шикоят берилганда юқорида қайд этилган ҳаракатлар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб туришни кўзда тутади.

Қонун лойиҳасидаги бу муҳим янгиликнинг иқтисодий аҳамияти шундаки, аввало, тадбиркор ўзи учун суд орқали яна бир ҳимоя қалқони пайдо бўлганини англаган ҳолда, ишонч ва дадиллик билан фаолиятини янада кенгайтириш йўлидан боради. Натижада мамлакатимизда ялпи ишлаб чиқаришнинг ўсиши, пировардида эса, аҳоли фаровонлигининг юксалиши таъминланади.

Шунингдек, ушбу қонун лойиҳаси орқали Хўжалик процессуал кодексининг 110-моддасига ҳам ўзгартириш киритилмоқда. Яъни тадбиркорлик субъекти бўлган қарздорнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш мақсадида тегишли тарзда тасдиқланган суд буйруғининг кўчирма нусхаси қарздорга юборилиши тартибини жорий қилиш таклиф қилинмоқда.

Бундан ташқари "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонуннинг 32-моддасига ҳакамлик суди томонидан даъвони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги ажрим қабул қилиниши заруратини истисно қилувчи тегишли ўзгартишлар киритилмоқда. Бу билан "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуннинг 32-моддасида назарда тутилган қоидалар татбиқидаги айрим зиддиятларга барҳам берилади.

Мухтасар қилиб айтганда, миллий қонунчилигимизга киритилаётган бу ўзгаришларнинг барчаси мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитини янада яхшилашга тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай имкониятлар яратишга хизмат қилади.

**Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати*

*Muloqot*

# Савол беринг, жавоб берамиз

**Меҳнат таътилига чиққанимдан кейин беш кундан сўнг таътилдан чақириб олишди. Айтинг-чи, бунга иш берувчининг ҳуқуқи борми?**

**С.БУРҲОНОВА,**
*Нукус шаҳри*

*— Таътилдан чақириб олиш фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Шу муносабат билан таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ходимга мазкур иш йили давомида берилиши ёки кейинги иш йилининг таътилига қўшиб қўйилиши мумкин.*

**Иш ҳақимдан, менинг розилигимсиз, суднинг қарори бор деб ушлаб қолишди. Иш берувчининг бу ҳаракати қонунийми?**

**М.МУХСИНОВ,**
*Нукус тумани*

*— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, қуйидаги ҳолларда ходимнинг розилигидан қатъий назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:*

*1) Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;*

*2) суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;*

*3) иш ҳақи ҳисобига берилган аванси ушлаб қолиш учун, хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган бўлиб, сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш учун ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун.*

*Бундай ҳолларда иш берувчи аванс ёки қарзни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёхуд ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш беришга ҳақлидир. Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса ёки ходим хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёхуд бошқа жойга ишга ўтганлиги муносабати билан берилган авансни ушлаб қолинишини асоссиз ёки миқдорини нотўғри деб ҳисобласа, у ҳолда қарз суд тартибида ундирилади.*

**Саволларга Нукус шаҳар 7-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Мийирман Сулайманов жавоб берди.**

**Яқинда бувимнинг вафоти ҳақидаги далолатнома керак бўлиб қолди. Менга уни вилоят ФҲДЁ архивидан олишим мумкинлигини айтишди. Айтинг-чи, архивда далолатнома ёзувлари қанча муддатга сақланади?**

**Э.ШЕРМАТОВ,**
*Самарқанд шаҳри.*

*— Туғилганлик, никоҳ ва ўлим ҳақидаги далолатнома ёзув дафтарлари ФҲДЁ бўлимларида ҳам, вилоят ФҲДЁ архивларида ҳам 75 йил давомида сақланади. Бу муддат ўтгандан сўнг далолатнома ёзувларининг биринчи нусхалари адлия бошқармалари ФҲДЁ архивларига топширилади. Архив далолатнома ёзувларининг ҳар иккала нусхалари солиштирилади, эскирган, ўчиб кетган ёзувларни ўзида сақланаётган ёзувлар билан алмаштирилади. Етишмаган ёзувларни тўлдиради ва тегишли расмийлаштиришлардан сўнг сақлаш учун Марказий давлат архивига топширилади.*

**Саволга Самарқанд вилояти ФҲДЁ архиви мудираси Марина Куканянц жавоб берди.**

*Mezon*

# Халқ маслаҳатчиси институти

## судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг муҳим омилидир

**Асосий қонунимизнинг 32-моддасида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Айтиш жоизки, бугунги кунда фуқаролар нафақат жамият ва давлат ишларини бошқаришда, айни чоғда судларда жиноят ишларининг адолатли тарзда кўриб чиқилиши ва қонуний ҳал этилишида ҳам фаол иштирок этмоқдалар.**

Аниқроқ айтганда, Жиноят-процессуал кодексининг 13, 14 ва 30-моддаларига мувофиқ, ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, оғир ва ўта оғир тоифали жиноят ишини биринчи инстанция суди томонидан кўриб чиқиш ва ҳал этишда судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси иштирок этади.

Шунингдек, "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 62-моддасига мувофиқ халқ маслаҳатчилари икки ярим йил муддатга сайланади. Юртимизда 2012 йилнинг январь ойидан буён фаолият кўрсатиб келаётган халқ маслаҳатчиларининг ваколат муддати тугаши муносабати билан Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг иш режасига асосан 2014 йил апрель-май ойларида халқ маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови бўлиб ўтказилди. Ушбу сайлов якунига кўра, 15 744 нафар фуқаро халқ маслаҳатчиси этиб сайланди ва улар 1 июлдан фаолиятини бошлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, халқ маслаҳатчиларининг суддаги иштироки иш юзасидан адолатли қарор топтириш, айбдорга қонун доирасида жазо тайинлашга хизмат қилади. Зеро, халқ маслаҳатчилари иш натижаларидан манфаатдор бўлмаган шахс сифатида судланувчига қандай жазо тайинлаш кўпроқ самара бериши ҳақида фикр билдиради ва бу суд томонидан инобатга олинади.

Албатта, халқ маслаҳатчилари судьяларнинг мустақиллигига мутлақо дахл қилмаган ҳолда фаолият кўрсатади ва бу суд ҳокимияти фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ўз навбатида, жамоатчиликнинг жиноят ишларини судларда кўришдаги фаоллиги ошгани сари қонунийликка тўлиқ риоя қилишни таъминлаш борасидаги назорат кучайиб боради. Айни чоғда халқ маслаҳатчилари ва жамоатчиликнинг жиноят ишларини кўришдаги иштирокига оид маълумотларни жамлаш ва уларни қайд этиб бориш қонунчилигимизда кўзда тутилмаган. Бугунги кун амалиёти жиноят ишларининг судларда кўриш чоғида халқ маслаҳатчилари ва жамоатчилик иштирокига доир статистик кўрсаткичлар жамлаб боришни тақозо этмоқда. Зотан, жамоатчилик иштирокига оид статистик ҳисоботни юритиш соҳани тизимли таҳлил этишда муҳим бўлган ахборот-таҳлил ва методик асосларни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Шунингдек, халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини мунтазам равишда юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Зотан, бу ҳам жамиятда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашга, суд ҳокимиятининг обрў-эътибори янада ошишига хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, халқ маслаҳатчиларининг жиноят ишлари бўйича судлардаги иштироки шахс, жамият ва суд ҳокимияти ўртасидаги ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлаши баробарида қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашда ғоятда муҳим аҳамият касб этади.

**Акмал ЭРГАШЕВ,**
*Умумий юрисдикциядаги судлар судьялари Олий малака ҳайъатининг котибияти бошлиғи*

*Jinoyat va jazo*

# Ўзгалар мулкига дахл қилганлар

## қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлди

**Аввало шуни айтиш жоизки, амалдаги қонунларда жамиятнинг ҳаёти учун мутлақо ёт саналган қилмишлар қатори фирибгарлик билан боғлиқ номуносиб хатти-ҳаракатлар учун ҳам адолатли ва муқаррар жазо чоралари белгиланган.**

Фирибгарлик жинояти ва унга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари Жиноят кодексининг 168-моддасида батафсил баён этилган. Унда ушбу қилмиш учун қўлланилиши лозим бўлган муқаррар таъсир чораси билан бирга адолат ва бағрикенглик намуналари - етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда айбдорга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо қўлланмаслик тамойили ҳам ўз ифодасини топган.

Шуни қайд этиш "зарурки, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (Жиноят кодексининг 167-моддаси) ҳамда хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш (кодекснинг 186-моддаси) каби ноқонуний хатти-ҳаракатларда ҳам фирибгарлик аломатлари мавжуд. Қонунда бу каби қилмишлар учун қатъий ва муқаррар жазо чоралари белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2009 йил 24 июлдаги "Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорида (Олий Суд Пленумининг 2013 йил 31 майдаги қарорига асосан ушбу қарорга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган) бу борада судларга тегишли раҳбарий кўрсатмалар берилган.

Айтиш жоизки, фирибгарлик ўзганинг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ҳақ тўламай эгаллашда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулк эгаси ёки бошқа шахс ёхуд ваколатли ҳокимият органи мулкни ёки унга тенг бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериб ёки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

**Мамлакатимизда бозор ислоҳотларининг чуқурлаштирилиши натижасида хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, тадбиркорлар ўртасида шартномавий муносабатлар тўлиқ қарор топди. Бу, табиийки, уларнинг манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.**

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Кредит шартномаси

## унинг шартларига тўлиқ риоя этиш тарафлар манфаатига хизмат қилади

Шу ўринда тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг қўлланиладиган шартномалардан бири — кредит шартномаси тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, унда бир тараф банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса, олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Кредит шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт. Унинг ёзма шаклига риоя қилмаслик кредит шартномасининг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Кредитор қарз олувчини тўловга қобилиятсиз, деб ҳисобласа, қарз олувчи кредитни таъминлаш мажбуриятларини бажармаса, шартномада назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузса, шартномада назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли.

Айтиш керакки, судларда кредит шартномаларига оид ишлар асосан Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлимлари томонидан банк манфаатларини кўзлаб берилган даъво аризаларига асосан кўриб чиқилиб, ҳал этилмоқда. Бунда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси банк манфаатини ҳимоя қилиб, кредит шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш ва кредит қарздорлигини қайтариш ва қарздорликни ундириш учун гаровга қўйилган мол-мулкга қаратиш, айрим ҳолларда эса, кафиллик шартномаси асосида берилган кредит қарзларини кредит олувчи ва кафилларидан солидар тартибда ундириш бўйича даъво аризаларини киритмоқда.

Ушбу даъво аризалари судлар томонидан Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан кўриб чиқилиб, иш бўйича асослантирилган қарорлар қабул қилинмоқда. Масалан, даъвогар Ўзбекистон савдо саноат палатасининг ҳудудий бўлими "Микрокредит банк" филиали манфаатини кўзлаб, жавобгар "Наталья Нукус" масъулияти чекланган жамияти ва қўшимча жавобгарлар "Отав" масъулияти чекланган жамияти ва К.Утеповага нисбатан кредит шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш ва қарзни ундириш, ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Ушбу фуқаролик иши бўйича кредит олувчи томонидан кредит шартномаси талаблари бузилганлиги сабабли даъво аризаси қаноатлантирилди. Тарафлар ўртасидаги кредит шартномаси муддатидан илгари бекор қилинди. Жавобгар "Наталья Нукус" масъулияти чекланган жамияти ва кафил "Отав" масъулияти чекланган жамиятидан солидар тартибда кредит қарзлари ундирилди. Қарздорликни ундириш гаровга қўйилган иморатга қаратилиб, ушбу иморатнинг ким ошди савдосидаги бошланғич баҳоси белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, шартномавий муносабатлар ўз ҳуқуқий асосларига эга бўлиб, унинг лозим даражада бажарилишидан томонлар, албатта, манфаат кўради. Шартномани бузган тараф эса, шунга яраша жавоб беради. Шундай экан, кимки бирор шартномага қонуний имзо чекдими, уни ўз вақтида бажариш мажбуриятини ҳам унутмаслиги керак.

**Ш.НУРХОЖАЕВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро суди судьяси*

# Меҳр-оқибат ва шукроналик айёми

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбари 1992 йил 27 мартда "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида" фармон чиқарганида нуроний отахону онахонлар кўзига ёш олиб, қувонганини ўзим кўрганман. Шу кунларга етганига шукроналар айтиб, юртимизга тинчлик-омонлик, Президентимизга узоқ умр тилаб дуо қилганлари ёдимда. Бу эзгу ниятларнинг ижобатини бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизда кўриб турибмиз.



Юртбошимиз ташаббуси билан Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Қаффол Шоший каби буюк уламоларимиз қадамжолари обод этилгани жуда савобли ишлар бўлди. Бугун ушбу масканларга ташриф буюрган юртдошларимиз ва хорижий меҳмонлар ўзлари учун руҳий мадад, маънавий куч-қувват олмоқда. Ўзбек халқининг қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бетакрор мероснинг вориси эканини теран ҳис этмоқда.

Юртимиздан Ҳаж ва Умра ибодатлари учун бораётган зиёратчилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Ватандошларимиз бу улуғ ибодатларни эсон-омон ва қулай адо этишлари учун ҳукуматимиз томонидан барча зарур шароитлар яратилмоқда.

Ёшларимиз мустақил фикрли, кенг дунёқарашли бўлиб улғаймоқда. Бой маънавий қадриятларимиз, айни пайтда умумбашарий мезонлар асосида тарбияланаётир. Тошкент ислом университети, Тошкент ислом институти каби қатор олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ёшларга диний ва дунёвий фанлардан пухта билим берилмоқда.

2007 йилда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти - ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилингани мамлакатимизда маърифатли ислом ғояларини ёйиш, диний бағрикенгликни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг халқаро миқёсдаги эътирофи бўлди.

Президентимизнинг жорий йил 24 июндаги қарорига мувофиқ Рамазон ойи муносиб тарзда, миллий анъана ва қадриятларимизга уйғун ҳолда ўтказилди. Муқаддас динимиз ақидаларини эъзозлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг қадамжоларини обод этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Фарғона вилоятида 415 мингдан ортиқ нуроний бор. Рамазон ойи давомида улар иштирокида турли тадбирлар, учрашувлар ўтказилди. Уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди. Жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ёлғиз кексаларнинг уйларини обод қилиш ва таъмирлашга кўмак берилди. Бемор ётган нуронийларимизга дори-дармонлар, озиқ-овқатлар улашилиб, оғирини енгил қилиш, кўнглини кўтариш чоралари кўрилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 июлдаги "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига биноан ушбу фазилатли айёмни юқори даражада ўтказишга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Ушбу қутлуғ байрам мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллик тўйи арафасида ўтаётганлиги жойлардаги кўтаринки руҳни янада оширмоқда.

Ҳайитни саранжом-саришталикда, юртимизни янада обод этган ҳолда кутиб олиш халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Байрам арафасида муқаддас зиёратгоҳлар, табаррук қадамжолар яна бир бор ободонлаштирилиб, зиёратчилар ташрифи учун шароит яхшиланади. Қабристонларнинг теварак-атрофи тартибга келтирилади. Кўча ва хиёбонлар янада чирой очади.

Ҳайит намозлари тинчлик-осойишталикда хурсандчилик билан адо этилади. Мутасадди ташкилотлар ходимлари масжидларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, транспортлар ҳаракатини мувофиқлаштиришга бош-қош бўлади.

Рамазон ҳайити жамиятимизда меҳр-оқибат, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу кунда беморлар ва кексалар ҳолидан хабар олинади, кўмакка муҳтож кишилар қўллаб-қувватланади, болаларга ҳадялар, ширинликлар улашилади.

Ҳаётимиз кўрки, жамиятимиз файзи тинчлик-осойишталикда. Бунга миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик орқали эришилади. Тинчлик-осойишталик бўлмаган жойларда не кўргиликлар бўлаётганини кўриб, эшитиб турибмиз. Одамлар фарзандидан, яқинларидан жудо бўлмоқда. Неча йиллар давомида шаклланган шаҳарлар, не-не заҳматлар эвазига бунёд этилган иншоотлар кўз очиб-юмгунча вайронага айланмоқда.

Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади, дейди халқимиз. Уруш бўлган мамлакатда эса тараққиёт қирқ йил орқага кетиши турган гап. Шу боис юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етишимиз, аҳиллик ва тотувликни кўз қорачиғидек асрашимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Шуни ҳам таъкидлашни истардимки, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тараққиёт ўз-ўзидан бўлиб қолаётгани ёки осмондан тушгани йўқ. Юртбошимиз раҳнамолигида изчиллик, қатъият билан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самараси бу.

Ҳайит кунлари халқимизнинг бағрикенглик фазилатлари янада кенгроқ намоён бўлади. Маҳаллаларда, кўча-кўйда, миллати ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз бир-бирини байрам билан табриклайди. Ҳамма бир-бирига меҳр-оқибатли, ширинсўз бўлади. Бундай ҳамжиҳатлик муҳитида инсон ўзини бахтли ҳис этади, ҳаётидан рози бўлиб яшайди.

Байрамларни хотиржамликда, хурсандчиликда ўтказиш ҳаммамизга насиб этсин. Юртимиз ҳамиша тинч, халқимиз бундан-да фаровон, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!

**Топиболди ХОЛДОРОВ,**
*"Нуроний" жамғармаси Фарғона вилояти бўлими раиси.*
*(ЎзА)*

*G'aroyib olam*

**Маълумки, табиатда юз берадиган баъзи ҳодисалар бир қадар мураккаблиги, гоҳ ажойиб, гоҳо ғаройиб хусусиятлари билан киши эътиборини ўзига жалб этиб келади.**

# Биз билган ва билмаган дунё

## СИРЛИ ОРОЛЛАР

Масалан, Тинч уммонининг Изу архипелагида жойлашган Миякедзима ороли ана шундай хусусиятларга эга. Гап шундаки, ушбу оролда Ояма вулқони жойлашган бўлиб, орол остидан доимий равишда магма, яъни силикатдан иборат оташ-оловли суюқ масса қайнаб чиқиб туради. Шу боис Миякедзима дунёдаги олтингугурт газларининг ҳаводаги табиий контрактацияси энг юқори бўлган ҳудуд ҳисобланади. 2000 йилда вулқон уйғониши натижасида маҳаллий аҳоли хавфсиз жойга кўчирилган эди. Орадан беш йил ўтиб, аҳолининг муайян қисми севимли ота маконига қайтиб кела бошлади. Аммо улар энди белида доимий равишда газга қарши мослама тақиб юришга мажбур эдилар.

Чунки оролда кутилмаганда олтингугурт газларининг ҳаводаги контрактацияси кўпайиб кетиш ҳоллари тез-тез содир бўлиб туради. Бу эса, одам организми учун ўта хавфли бўлиб, оролликлар туну кун ёнида газниқоб тақиб юришига тўғри келади. Орол ҳудуди бўйлаб махсус мосламалар ўрнатилган бўлиб, улар ҳаводаги ўзгаришларни доимий равишда назорат қилиб туради. Агар ҳавода заҳарли моддалар кўпая бошласа, орол бўйлаб махсус огоҳлантирув хабари янграйди. Шуниси ажабланарлики, ҳаводаги заҳарли моддаларни инобатга олмаганда, ушбу орол жуда чиройли, хушманзара, турли-туман ўсимлик ва ҳайвонот оламига бой ҳудуд ҳисобланади. Айниқса, оролда дельфинлар жуда кўп бўлиб, бу ерга келган сайёҳлар бу денгиз жониворларини кузатишни хуш кўришади.

Бундан ташқари Гавай архипелагида Кауаи ороли мавжуд бўлиб, у ер юзида энг кўп ёмғир ёғадиган маскан ҳисобланади. Бу ер ўта намчил бўлганлиги боис дарахтлар деярли баланд ўсмайди, яъни уларнинг бўйи атиги 65 сантиметрга етади, холос. Аммо ўт-ўланлар дарахтларни соясида қолдириб, булутлар сари қулоч ёзаверади. Масалан, гуммера номли ўтнинг бўйи жуда баланд ва баҳайбат бўлиб, унинг барги икки метрлик гилам вазифасини ўтай олади.

Бундан ҳам қизиқ томони шундаки, оролда бирон-бир жонзотни учратиш амри маҳол. Лекин дунёнинг бошқа ҳеч бир ерида учрамайдиган ҳашаротлар шунчалик кўпки, уларнинг турларини санаб саноғига етиш мушкул.

Тинч уммонида эса, Чилига қарашли бир парча қуруқ ер бўлиб, у ўзининг ақл бовар қилмайдиган жумбоқли тош ҳайкаллари билан дунёга машҳур. Бу ер Пасхи ороли деб юритилади. Америкалик астрофизик олим Томас Кларкнинг фикрича, бу орол ҳадемай ер юзидан бутунлай йўқолиб кетиш эҳтимоли билан одамлар диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Негаки, Чили қирғоқларидан тўрт минг километр узоқликда жойлашган орол ер қаърининг "Наска" номини олган уммон платформасининг устида жойлашган. Маълум бўлишича, бу платформа Шимолий Америка тектоник платформаси томон йилига оз эмас — 17 сантиметр силжиб бораётгани кузатилмоқда. Шундай қилиб, кўп вақт ўтмай Пасхи ороли Америка соҳилига "сурилиб" етиб бориши ва икки платформа "тўқнашиши" натижасида орол бутунлай йўқолиб кетиши хавфи юзага келмоқда.

Шунингдек, Бразилия соҳилларида жойлашган Кеймада Гранде ороли ҳам бир қарашда жаннатмакон, ўта гўзал ва хушманзара ўрмонлари билан ажралиб туради. Аммо одам оёғи етмаган бу жой дунёдаги энг катта илонлар водийси ҳисобланар экан. Мутахассисларнинг айтишича, бу ерда бир квадрат метр жойга бештадан ўнтагача заҳарли жониворлар учраши ўта табиий ҳол. Шу боис мамлакат ҳарбий денгиз кучлари оролни доимий равишда назорат остида ушлаб туради ва бу ҳудудга рухсатсиз кириш мумкин эмас. Аммо шунча таъқиқларга қарамай, илонлар ҳақида кўрсатув тайёрлаш мақсадида мазкур оролга "Дисковери" телеканалининг суратга олиш гуруҳи вакиллари ташриф буюришга муваффақ бўлишган.

Кимсасиз ороллардан яна бири Атлантика уммонидаги Бег Мэйджор ҳудуди ҳисобланади. Бу орол ҳам ўзининг ноёб жониворлари, бой ўсимлик дунёси билан кўплаб сайёҳларни ўзига жалб қилиб келмоқда. Сайёҳлар оролга жониворларни овқатлантириш ва улар билан бироз ўйнаш учун махсус қайиқларда ташриф буюришади. Ажабланарлиси шундаки, жониворлар келаётган одамлар қуруқликка чиққунларигача тоқат қила олмай уларни сувда кутиб олишни маъқул кўришмоқда. Сузиш борасида анча-мунча тажриба орттирган ёввойи жониворлар, янги меҳмонларни хушнуд қилиш мақсадида, ҳар қайси қайиқнинг ёнига сузиб боради ва одамлар берган мева-чеваларни пақ-қос тушириб, хурсандчилигини турфа қилиқлари билан намойиш қилади. Маҳаллий аҳолининг айтишича, оролдаги ҳайвонлар, гарчи ёввойи бўлса-да, шу пайтга қадар одамларга бирон марта ҳужум қилмаган.

**Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.**

*Maslahat*

# Мерос гувоҳномаси

## у қандай тартибда берилади?

**Маълумки, мерос очилган жойдаги давлат нотариуси меросхўрларнинг ёзма аризаларига кўра, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради.**

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасдан олдин берилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 1157-моддасига мувофиқ, агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам, меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб топилади.

Давлат нотариуси қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома бериш пайтида мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, мерос очилган жойи ва вақтини, мерос мол-мулк таркиби ва унинг жойлашган жойини, мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик муносабатини ҳамда қонун бўйича меросхўрлар доирасини аниқлайди.

Мероснинг очилиш жойи деб мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи ҳисобланади.

Мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик муносабатлари туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлиги ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувларидан кўчирмалар, қариндошлик ёки бошқа муносабатларнинг ҳақиқийлигини белгиловчи суд ҳужжати ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Меросхўрларнинг хоҳишига кўра, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома уларнинг ҳар бирига алоҳида ёки уларнинг ҳаммасига битта берилади.

**Амирсаидхон ИШОНХОДЖАЕВ,**
Олий суд катта консультанти

*Jinoyat va jazo*

# Ўзгалар мулкига дахл қилганлар

## қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлди

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулк эгаси ёки бошқа шахсга маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд мулк эгаси ёки бошқа шахсни янгилиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади. Айбдор томонидан била туриб, ақли норасо шахсни ёки воқелик моҳиятини англаш қобилиятига эга бўлмаган шахсни алдаш ва ундан мулкни олиш фирибгарлик тариқасида эмас, балки ўғирлик сифатида квалификация қилиниши лозим. Агар айбдорда ўзганинг мулкини қўлга киритишга нисбатан қасд мулк олингандан кейин пайдо бўлган бўлса, ушбу қилмишга ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш сифатида қараш зарур.

Фирибгарлик йўли билан корхона, муассаса, ташкилотлар мулкини талон-тарож қилиш учун жиноий жавобгарлик фақат талон-тарож қилинган мулк суммаси қонунда белгиланган миқдордан ошган ҳолдагина келиб чиқади. Агар фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилинган корхона, муассаса, ташкилотлар мулки суммаси энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан ошмаса, маъмурий ҳуқуқбузарлик мавжуд бўлади. Бундай ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда ҳам, агар талон-тарож миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаса, маъмурий жавобгарлик келиб чиқади. Фуқаролар мулкини фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик талон-тарож миқдоридан қатъий назар келиб чиқади. Айни пайтда талон-тарож миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаган ҳар бир ҳолда суриштирув, тергов органлари ва судлар айбланувчининг шахсига ва моддий зарар қопланишига оид маълумотларни инобатга олган ҳолда жиноят ишини тугатиш масаласини муҳокама қиладилар. Агар айбдор томонидан бир эмас, балки бир неча фирибгарлик ҳаракатлари содир этилиб, уларнинг ҳар бирида ўзганинг мулкини олишга йўналтирилган мустақил қасд амалга оширилган бўлса, талон-тарож қилинган мулк қийматини қўшиб ҳисоблашга йўл қўйилмайди.

Шу ўринда ҳаётий мисол билан фикримизни давом эттирайлик. Иброҳим Дўстматов (исм-шарифлар шартли) муқаддам бир неча суднинг ҳукми билан жавобгарликка тортилган бўлса-да, қилмишларидан тегишли хулоса чиқариб олмади. Аксинча, у яна қинғирлик кўчасига бош суқди. Иброҳим ўзининг ғаразли мақсадини амалга оширишга кўмаклашадиган жиноий шерикни ҳам осонгина топди. Қўшниси Нурбек Тошпўлатов мўмай даромаднинг дарагини эшитгач, унга кўмак беришга рози бўлади. Ўзаро келишувга мувофиқ Нурбек нуфузли халқаро банкдан фоизсиз қарз олиб, ўз фаолиятини кенгайтириш орзусида юрган "мижоз"ларни ахтариб топиши лозим эди. Уларнинг фириб тузоғига илинган тадбиркорлар — М. Ризаев ва С. Маматовалар халқаро банкдан тижорат ишлари учун 6 миллион евро миқдорида фоизсиз сармоя олишга рози бўлишади. Нурбек ва Иброҳим фоизсиз сармоя олишда сарфланадиган харажатлар учун, деган алдов билан икки соддадил тадбиркордан 78 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулни қуртдай санаб олишади-ю, узоқ вақт мобайнида уларни лақиллатиб юришдан нарига ўтишмайди.

С.Маматова билан М.Ризаев Иброҳим ва Нурбекка тез-тез қўнғироқ қилиб, сармояни сўраб-суриштиришади. Аммо бундан бирор-бир наф чиқмагач, охир-оқибат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат қилишади. Бунинг устига икки ҳамтовоқ бу орада яна бир фирибгарлик жиноятига қўл уришди. Бу гал уларнинг фириб тўрига Наманган шаҳрида фаолият кўрсатувчи "Экзотика савдо" МЧЖ ходимлари илинишди. Жиноий шериклар МЧЖ ходимларига "арзон нарх"да гуруч етказиб беришни ваъда қилиб, бунинг учун 9 минг АҚШ доллари ва 30 миллион сўм пул зарурлигини айтишади. Улар бу пулларни қўлга киритгач, маҳсулот етказиб беришни гўёки унутиб қўйишади...

Албатта, ҳаётда жиноий қилмиш ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Фирибгарлик йўли билан ўзгаларнинг маблағини қўлга киритган ҳамтовоқлар ҳам қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлишди. Жиноий жазонинг муқаррарлигини, кеч бўлса-да, англаб етган И.Дўстматов ва Н.Тошпўлатовлар томонидан суд жараёнида жабрланувчиларга етказилган зарарлар тўлиқ қопланди.

Суд етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганини инобатга олиб, судланувчиларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ўзгаларни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мўмай даромад орттиришга уриниш охир-оқибат қонуний жаворбгарликка сабаб бўлади. Шундай экан, ҳалол меҳнат билан топилган ризқ-рўз қут-барака келтиришини, шундагина турмушимиз янада файзли ва фаровон бўлишини асло унутмайлик.

**Шуҳрат БАКАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани судининг раиси*

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди жамоаси Самарқанд ҳарбий судининг раиси адлия капитани Собир Алишаевга отаси

**Турсунбой АЛИШАЕВ**нинг

вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.


**КУЧ—АДОЛАТДА**

*МУАССИС:*
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

*Бош муҳаррир:*
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

*ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:*
Бўритош МУСТАФОЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Шоюнус ГАЗИЕВ
Қўчқор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Икром МУСЛИМОВ
Ғайрат ҲИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

*Навбатчи муҳаррир:*
Сардор ҲАМРОЕВ

*Саҳифаловчи:*
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.**
**E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
**Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56**

Буюртма: Г-723. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7258.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 22.00 Топширилди: 22.30